

А Ж Р И М

2023 йил август ойининг 9 куни жиноят ишлари бўйича Сирғали туман суди, Сирғали тумани “Янги Сирғали” МФЙда, очиқ сайёр суд мажлисида, қуйидаги таркибда:

судья А.Шамахмудов раислигида,

судья ёрдамчиси А.Раимов котиблигида, Сирғали туман прокурори У.Файзиев, адвокат Х.Каримова, жабрланувчи С.Мнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчи

С.Ж.Б. (S.J.B.), 00.00.0000 йилда [REDACTED] туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, бўйдоқ, ҳарбий хизматга мажбур, давлат мукофотлари олмаган, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, [REDACTED]

[REDACTED] яшовчига нисбатан

1-1011-23/000-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Ж.С. жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, 2023 йил 14 июнь куни соат 09:10 ларда Сирғали тумани, Нўғайқўрғон МФЙ, Янги Сергели кўчаси йўлнинг қатнов қисмида бўла туриб, М.С.С. билан ўзаро келиб чиққан келишмовчилиги натижасида тортишиб қолиши оқибатида, С.М. танасини турли жойларига қўл ва оёқлари билан уриб, С.М тан жароҳати етказган.

Суд тиббий экспертизасининг 2023 йил 27 июндаги 000-Ҳ-Якуб-сонли хулосасига кўра, С.М олган тан жароҳати соғлиқнинг қисқа муддатга, яъни 6 кундан ортиқ, лекин 21 кундан ортиқ бўлмаган муддатга бузилишига олиб келган оғирлик даражаси бўйича енгил тан жароҳатларига кириши аниқланган.

Дастлабки терговда гумон қилинувчи Ж.С, жабрланувчи С.М аризалар билан мурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Тошкент шаҳар Сирғали туман ИИО ФМБ ТБ терговчисининг 2023 йил 21 июлдаги қарорига кўра, гумон қилинувчи Ж.С нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши, ярашганлик муносабати билан тугатиш масаласини ҳал қилиш учун судга юборилган.

Гумон қилинувчи Ж.С суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига тўлиқ иқрор эканини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганини, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаганини, ҳозирда жабрланувчи билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганини баён этиб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи С.М суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, Ж.С нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, етказилган зарар



тўлиқ қопланганини, ярашув ҳақидаги аризасини ўз хоҳиши билан ёзганини, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганини баён этиб, Ж.С нисбатан юритилган жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 277-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд гумон қилинувчи Ж.С, жабрланувчи С.М ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, прокурорнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, гумон қилинувчининг айбига ихтиёрий иқрорлигини ва етказилган зарар тўлиқ қопланганини, жабрланувчи, гумон қилинувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганини, ярашув гумон қилинувчи ва жабрланувчининг хоҳишларига кўра бўлаётганини ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, Ж.С нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи С.М Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлагандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчи С.Ж.Б (S.J.B)га нисбатан жиноят иши томонларнинг ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчи С.М мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажрим устидан йигирма кун ичида Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

/имзо/

А.Шамахмудов

Ажрим нусхаси аслига тўғри: _____

